Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 10 (2905)
ЧОРШАНБА
14 ЯНВАРЬ 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БАМ ҚУРУВЧИЛАРИГА

Тошкент фармацевтика заводида яна бир янги дори — бероксон ишлаб чиқарила бошланди. Ҳозир корхонада 120 турдан зиёд дори-дармон тайёрланяпти. Завод маҳсулотлари мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари, шунингдек, 12 дан зиёд чет мамлакатларга ҳам жўнатилмоқда.

Бугун

Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши Байкал—Амур магистрали бунёдкорларига медицина дори-дармонларининг катта бир туркуми жўнатилди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

А. Верзилина ташаббуси маъқулланди

12 январда Тошкент область партия комитетининг бюро мажлиси бўлиб, унда Тошкент тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқувчиси А. С. Верзилининг «Шогирд мураббийга тенглашсин!» шиори остида меҳнат қилиш бўйича бошлаган ташаббуси ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

А. С. Верзилина ҳунар-техника билим юртини битириб чиққан ёш тўқувчилар А. Молодовая ва С. Фасхутдиноваларни оталиққа олиб, уларга юқори зичликда ишлашни ўргатишга аҳд қилди. Бу шогирдлар 1976 йилнинг май ойида ҳозирги 26 ўрнига 28 та, 7 ноябрда эса 30 станокда ишлашга эришишади.

Область партия комитетининг бюро мажлисида А. С. Верзилина, шунингдек, унинг ёш шогирдлари А. Молодовая ва С. Фасхутдиноваларнинг ишлари ҳақида сўзладилар.

Мажлисда область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусаховнов нутқ сўзлади.

• МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Шонли анъаналарга садоқат

Ленин, Фрунзе ва Сергели районлари меҳнаткашлари беш йилликнинг якунловчи йили давлат планларини муддатидан илгари бажариш учун беллашиб, мусобақа бўйича ўзаро шартнома тузишганди. Жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини юксалтириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун кураш ўз самарасини берди. Мажбуриятларнинг асосий пунктлари муваффақиятли бажарилди, индустрия ходимлари планга қўшимча 22 миллион 880 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар.

Бугун иккинчи саҳифада мусобақалашаётган районлар ва корхоналар ўртасидаги анъанавий йўқламамизни давом эттириб, биз мусобақа ҳақидаги шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши натижаси ҳақида анча батафсил гапирамиз.

Газетамизнинг кейинги сонларида шаҳарнинг Октябрь ва Чилонзор, Ҳамза ва Куйбишев, Киров ва Собир Рақимов районлари мусобақаси натижалари ҳақида сўз юритамиз.

КПСС XXV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

ЗАВОД ТАРИХИДА УНУТИЛМАС ВОҚЕА

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Ташсельмаш» заводининг йўқувчи токари Б. В. Ефремов бундай деди: бугун коллективимизда рўй берган воқеа заводнинг тарихига абадий ёзилиб қолади. Б. В. Ефремов тўққизинчи беш йиллик план муддатидан илгари бажарилганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларига йўллаган табрикномасига бағишлаб 13 январда ўтказилган митингда қатнашган ташсельмашчиларнинг фикр ва туйғуларини ифодалаб шу гапларни айтди.

Митингда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев табрикномани ўқиб берди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область ва шаҳар партия комитетлари номидан корхона меҳнаткашларини коллектив ҳаётидаги муҳим воқеа— эришилган муваффақиятлар билан самимий табриклади ва уларнинг янги шонли зафарларга эришувларини тилади.

Шундан кейин сўзга чиққан «Ташсельмаш» заводининг директори И. Х. Мусин, тунукасозслесарь, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати М. Мўйдинов, шлифовкачи Б. Д. Сунушбаева, қуйиш цехининг бошлиғи Г. Д. Нагулин машинасозларнинг меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун, бу соҳани ривожлантириш ҳақида, мамлакат қишлоқ хўжалигини юксалтириш тўғрисида жуда катта ғамхўрлик қилаётганликлари учун партия ва ҳукуматга қизғин ташаккур изҳор қилдилар. Машҳур ишчилар шу митингнинг ўзидаёқ ўнинчи беш йиллик учун оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар ва ўз ўртоқларини шунга даъват этдилар.

Митинг қатнашчилари якдиллик ва ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига мактуб қабул қилдилар. Мактубда самимий миннатдорчилик сўзлари изҳор қилинди, табрикномага жавобан янги меҳнат зафарларига эришамиз, деб ваъда берилди. Ишчилар зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, КПСС XXV съездини кутиб оламиз, съезд қарорларини амалга оширишга муносиб ҳиссамизни қўшамиз, деб аҳд қилганликларини билдирдилар. «Ташсельмаш» заводининг коллективи ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили учун мўқобил план қабул қилди. Бу планга мувофиқ ходимлар сонини оширмаган ҳолда жаҳонда энг юқори унумли 100 та пахта териш машинасини қўшимча равишда тайёрлаб берамиз, дейилади мактубда.

(ЎзТАГ).

СУРАТЛАРДА: митинг пайти. Минбарда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, корхона слесари М. Мўйдинов.

А. Тўраев фотолари.

МАШИНАСОЗЛАРНИНГ ЗАРБДОР МЕҲНАТИ

Бугун

трактор заводининг машинасозлари 1976 йилнинг дастлабки кунларида ишлаб чиқарилган 20 та трактори Қашқадарё чўлқуварларига жўнатилдилар. Техника воситалари дала меҳнаткашларининг талабига мувофиқ баҳорги экиш мавсумига шай ҳолда анчагина эҳтиёт қисмлар билан биргаликда жўнатилди.

Машинасозлар ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилига қабул қилган мажбуриятларида пахтакор хўжаликлар буюртмасини муддатидан икки кун илгари тайёрлаб беришни белгилаб олганлар. Шунинг учун ҳам завод коллективи ички резервлардан самарали фойдаланиш ҳисобига йилнинг дастлабки кунлариданоқ иш суръатини жадаллаштирди. Машинасозлар КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини муҳокама қилиш мобайнида меҳнат унумдорлигини ўстаришга қаратилган қатор тадбирларни белгилаб олмоқдалар. Корхонада қишлоққа ёрдамни кучайтириш борасида қатор тадбирлар белгиланди.

Кейинги пайтда заводда 1,5 нормачилик ҳаракати ташкилотларининг сони учдан бир ҳиссага кўпайди. Бундай меҳнат илғорлари асосан иш соатларидан унумли фойдаланиши, қўшимча касбларни эгаллаш ҳисобига вақтдан ўзиб ишламоқдалар. Шу кунларда заводнинг 19-цехида И. Ашимов бошлиқ йигувчи-слесарлар бригадаси смена топшириқларини 150 процентдан ошириб адо этмоқда. Улар сменада топшириққа қўшимча иккита тракторни тайёрлаб бермоқдалар.

Корхонада қишлоқ меҳнаткашларидан келаётган буюртмаларни барвақт бажариш учун бошланган ҳаракатда прессчи Г. Пахомов, З. Галеев, М. Туробов каби меҳнат пешқадамлари голиблик қилмоқдалар.

Машинасозлар январь ойининг ўзида Самарқанд ва Андижон область пахтакорларининг тракторларга ва пахтани қопқанорсиз ташийдиган прицепларга берган буюртмасини барвақт адо этадилар.

УНУМДОРЛИК ОШАДИ

Санитария-техника завод коллективи КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини қизғин муҳокама қилмоқда. Пойтахтимиз қурилишларига кўплаб санитария-техника буюмлари етказиб бераётган завод аҳли ишлаб чиқариш суръатини жадаллаштириш бўйича мавжуд имкониятларни ҳисоблаб чиқмоқда.

Якунловчи йил социалистик мусобақасида катта ютуқларни қўлга киритган қуюв цехининг коллективи буюмлар турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш борасида янги марраларни белгилаб олди. Беш йиллида цехда шаҳримизда бунёд этилаётган кўп қаватли биноларга мўлжалланган 4 турдаги жиҳозлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Меҳнат унумдорлиги мажбуриятдагига нисбатан 6 процент ўстирилади.

Бугун

цех коллективи Юнусободда қурилаётган болалар боғчасининг буюртмасини муддатидан бир ҳафта илгари адо этди. Ситиш батареялари ва водопровод жиҳозлари ишлаб чиқаришда А. Холбоев, Т. Миржалилов каби меҳнат пешқадамлари ўрнак кўрсатиб ишламоқдалар.

ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

85 МИНГ СЎМЛИК ЖИҲОЗ

Металл фурнитура-механика заводининг ишчи-хизматчилари бир неча йилдан бери Жиззах областига оталиқ ёрдами кўрсатиб келишмоқда. Завод аҳли Жиззахдаги устки трикотаж фабрикасини тезроқ ишга туширишга ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Заводнинг механика цехи коллективи қисқа вақтда трикотаж фабрикаси учун Жиззах областига 85 минг сўмлик турли техник жиҳозлар тайёрлаб берди. Бу жиҳозларни тайёрлашда шу кунларда 1977 йил ҳисобига меҳнат қилаётган С. Абдуллаев, Ш. Тойиров бошлиқ бригадалар самарали меҳнат қилишди.

Завод ишчиларидан бир группаси эса Жиззахда бўлиб, 85 минг сўмлик техника жиҳозларни монтаж қилдилар. Бугун И. Сафронов ва В. Тиршўков бошлиқ слесарлар группаси Жиззахдан қайтиб келишди. Улар жиҳозларни муддатидан 10 кун аввал ўрнатиб бўлишди.

ПЛАНГА ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

Қоғоз комбинати меҳнаткашлари янги йилни зарбдор меҳнат билан бошладилар.

Партия XXI съездига бағишланган январнинг биринчи ўн кунлигида 226 минг сўмлик ёки пландагидан 3 минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. 710 тонна қоғоз ва 180 тонна картон тайёрланди.

«КПСС XXV съезди шарафига — 25 зарбдор декада!» шиори остида ўтаётган социалистик мусобақада коммунистлар намуна кўрсатишяпти. Картон тайёрлайдиган машина бошқарувчиси В. Барбашова, картон цехи слесари К. Назарҳўжаев ва бошқалар зарбдорларча меҳнат қилишяпти.

Янги йилдан бошлаб комбинат чарм чиқиндиларидан стол дафтарчалари, суратлар учун альбомлар, ён дафтарлар каби кенг истеъмол буюмларини ялпи ишлаб чиқара бошлади.

КПСС XXV съезди шарафига зарбдор меҳнат — вахталарини давом эттираётган комбинат коллективи съезд очиладиган кунгача планга қўшимча 20 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини олди.

Кичкинтойлар шодлиги

Шаҳримиз меҳнаткашларининг болаларига 3-трест бунёдкорлари муносиб армуғон тайёрладилар.

Бугун

5 ва 30-қурилиш бошқармаларининг қурувчилари ҳар бири 280 ўринли учта болалар боғчасини муддатидан аввал қуриб фойдаланишга топширдилар.

Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бу янги 2 та боғчаси 40 минг сўмлик жиҳозлар билан таъминланди. Оҳангарон шоссесининг 5-микрорайони ҳамда Иззат массивидаги шу боғчаларда кичкинтойлар учун барча қулайликлар яратилган.

У. ШОРИХСИЕВ.

Озодлик оролига

Экскаватор заводи коллективи чет мамлакатларга бу йилги буюртмани жўнатишни бошлади.

Бугун

ОЗОДЛИК ОРОЛИ — КУБАГА ДАСТЛАБКИ ЭКСПОРТ —БИР ТУРКУМ ЭКСКАВАТОР ЖЎНАТИЛДИ. ШУНИНГДЕК, ЧЕХОСЛОВАКИЯГА ЖЎНАТИШ УЧУН ИККИТА ЭКСКАВАТОР ТАХТ ЭТИБ ҚЎЙИЛДИ.

Завод ишчилари мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари учун ҳам кўплаб эҳтиёт қисм ҳамда машиналар жўнатди. Жумладан, қардош Қирғизистонга иккита, қўриқ ер ўзлаштираётган андижонликларга иккита ва Кострома шаҳрига иккита экскаватор юборилди.

И. ЛЕВЕНТАС.

ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА



Чехословакия корхоналари Совет Иттифоқи буюртмаларини муваффақиятли адо этишяпти. Биргина Б. Шмерал номли Брно машинасозлик заводигина СССРга битимда нўзда тутилганига қўшимча 7,5 миллион кроналик маҳсулот етказиб берди. Бу корхона Кама автомобиль заводи учун пресслар тайёрлаб бермоқда.

СУРАТДА: КамАЗ учун жиҳозларни йиғиш.

ЧТК—ТАСС фотоси.

МЕҲНАТКАШЛАР НАКАЗИГА БИНОАН

Чилонзор районининг 21-кварталида

Бугун

5 декабрь номли якка буюртмалар пойафзал фабрикасига қарашли янги «Пойафзал салони» иш бошлади. Меҳнаткашлар наказларига биноан бу салонни шаҳар аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш Бошқармасининг ремонт қурилиш бошқармаси ишчилари қуриб беришди.

Ўн икки киши хизмат қиладиган салонда ишловчилар ва буюртмачилар учун барча қулайликлар мавжуд. Замонавий ускуналар пойафзал усталарининг буюртмаларни тез ва сифатли бажаришларига имкон беради.

• *Санъат оламида*

РАССОМ СОВҒАСИ

Бугун

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДА САҚЛАНАЁТГАН НОЕБ АСАРЛАР СОНИ ЯНА БИР НЕЧТАГА ОРТДИ. МУЗЕЙ ЗАЛИДАН МОҲИР ҲАЙКАЛТАРОШ МИХАИЛ РОДИОНОВИЧ МАКАРОВНИНГ «ПАХТАКОР» ВА «Н. ОСТРОВСКИЙ» ДЕБ АТАЛМИШ ҲАЙКАЛ-ПОРТРЕТЛАРИ ЖОЙ ОЛДИ.

Михаил Родионович ёшлигидан ҳайкалтарошликни севди. Улуғ Ватан урушигача кўплаб асарлар яратди. Ленин, уруш уни икки кўзи ва ўнг қўлидан жудо қилди. Макаров жангдан қайтгач, ўз уйидаги ижодхонасида ҳайкалтарошлик билан шуғулланди. У Улуғ Ватан урушининг Буюк Ғалабасига бағишлаб «Ҳамшира», «В. И. Ленин» ҳайкал-портрет асарларини яратди. Унинг ижодий асарлари бир неча бор кўргазмаларда намойиш этилди.

Ганчдан, оқ фонда яратилган «Пахтакор» бюстида дўппи кийган, чекасига пахта чаноғини тақиб олган деҳқон тасвирланган. «Н. Островский» бюстида эса душман билан олишувда кўзидан ажраган «Пўлат қандай тобланди» романининг муаллифи, ёзувчи қиёфаси акс этган. Бу асарлар санъат музейи залининг доимий экспонати сифатида сақланади.

М. АҲМЕДОВ.

У. Юсупов кўчасида қурилаётган 79 ва 45 квартирали тўқиз қаватли бинолларда қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилди. Бу бинолари 1-уйсозлик комбинатининг 1-монтаж бошқармасига қарашли А. И. Жихарев бошлиқ комплекс бригадаси бунёд этди.

СУРАТДА: ана шу бинолардан бири.

«Тошкент қўшиғи»

Ўзбекистон пойтахтидан бир неча минг километр нарида, мамлакатимизда янги кўн тонг отарини биринчи бўлиб кутиб оладиган ўлка— Сахалинда туғилган бу қўшиқнинг ўз тарихи бор. Ўзбекистонлик шоирлар ва ёзувчилар ўтган йили сахалинликлар ҳузурида меҳмон бўлишди. Давлат мукофотининг лауреати шоир Рамз Бобожон учрашувлардан бирида ўз шеърларидан ўқиб берди. Ана шу шеърлар орасида Тошкентга бағишланган шеър ҳам бўлиб, унда: «Тошкентнинг жамолига боқ, шоҳли Тошкентни сен ҳам севиб қоласан» деган мазмундаги сатрлар ҳам бор эди. Олис шаҳар тўғрисидаги шеърий сатрлар сахалинлик композитор В. Наумовни тўлқинлантириб юборди.

Ўзбекистон пойтахтига сахалинлик дўстдан музикали салом— «Тошкент қўшиғи» етиб келди. Тошкент халқ филармонияси ансамбли дўстлик тўғрисидаги бу қўшиқни ўзининг партия XXV съездига бағишланган программасига киритди.

(ЎзТАГ).

Тоғдаги газеталарда

★ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико расмий визити тамом бўлганидан кейин 13 январда самолётда Москвага учиб кетди.

★ Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Буюк халқ мурали президиумининг раиси Ю. Цеденбал СССР билан МХР ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг 30 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун Улан-Баторга келган СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Т. Новиков бошчилигидаги совет делегациясини қеча қабул қилди.

★ Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича тўқиз-инчи беш йиллик топшириқларининг бажарилишидаги катта хизматлари учун СССР Химия саноати министрлиги Шчекино «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори ўртоқ Петр Михайлович Шаровга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ, КОМПОЗИТОР МУХТОР АШРАФИЙ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР халқ артисти Мухтор Ашрафийнинг республикада театр ва музика санъатини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматларини ҳисобга олиб, жамоатчиликнинг кўп марта изҳор қилган истакларини назарда тутиб, унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент Давлат консерваториясига Мухтор Ашрафий номи берилсин, деб қарор қилдилар.

Тошкент шаҳридаги кўчаларнинг бири Мухтор Ашрафий номи билан аталади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига Мухтор Ашрафийнинг ижодий меросини нашр этиш топширилди.

Мухтор Ашрафий қабрига унинг бюстини ўрнатишга қарор берилди.

ОБ-ҲАВО

Тошкент шаҳри ва областида бугун кечаси ва эртага кундузи ҳаво бироз булутланиб турсада, ёғингарчилик бўлмайди. Секундига 3 —7 метр тезликда шамол эсади. Бугун кечаси ҳарорат бир даража совуқ билан 4 даража иссиқ ўртасида, эртага кундузи эса 4—9 даража иссиқ бўлади.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

☆ **СОФИЯ. Болгариянинг 1975 йилдаги ташқи савдо товар оборотуни 8,5 миллиардан кўп валюта левни ташкил этди. Бунинг талайгина қисми халқаро ярмаркалар ва виставкаларда тузилган савдо битимлари ҳиссасига тўғри келади. Болгария ўтган йили 24 ярмаркада ва ихтисослаштирилган 80 виставкада қатнашди.**

☆ ПАРИЖ. Умумиқтисодий конфедерациясининг даъватига мувофиқ кеча Франция тўқимачилик саноати корхоналарида иш билан таъминлаш йўлидаги ҳаракат ҳафталиги бошланди. Меҳнаткашлар меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этиш учун бир қанча забастовка ва намойиш ўтказадилар.

☆ **КИТО. Эквадор президенти генерал Гильермо Родригес Лара истеъфо берди. У мамлакатдаги ҳоқимиятни қуруқликдаги қўшинлар қўмондони генерал Гильермо Дурён, ҳарбий денгиз кучлари қўмондони вице-адмирал Альфредо Поведа Бурбано ва ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони авиация бригада генерали Луис Анибаль Леоро Франколардан иборат олий кенгаш ихтиёрига топширди. Мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.**

☆ БАЙРУТ. Яқин Шарқдаги энг йирик авиация компаниялари-нинг бири деб ҳисобланган Ливан давлат «Мидл ист эйрлайнс» авиакомпанияси самолётларининг парвози мамлакатда танглик бошланган пайтдан бўён 55 процент қисқарди. Пассажирлар ташиш 65 процент қамайди. Авиакомпания ишчи ва хизматчилари федерациясининг раиси Э. Шая шу ҳақда гапирди.

★ **ТАНАНАРИВЕ. Малагаси Демократик Республикаси президенти Дидье Рацираканинг фармонига мувофиқ олий революцион кенгашнинг аъзоси подполковник Жоэль Ракутумалала Республикаси янги ҳукуматининг бош министри қилиб тайинланди.**

☆ АДДИС-АБЕБА. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг Африка халқлари озодлик курашида уларга бераётган ҳар томонлама ёрдами бу ҳалқларнинг озодлик ва мустаҳкамлиқка эришувида ҳал қилувчи роль ўйнади. Африка бирлиги ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукуматлари бошлиқларининг бу ерда ўтказилаётган фавқулодда ассамблеясида Нигерия давлатининг бошлиғи Муртала Мухаммад сўзга чиқиб, шу ҳақда гапирди.

(ТАСС).

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

ЁРҚИН УФҚЛАР

ЮКСАЛИШ КЎЗГУСИ | САМАРАДОРЛИК ЙЎЛИДАН | ОЙДИН МАНЗИЛЛАР

Сифат — диққат марказида

«Беш йил ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 35—39 процент, шу жумладан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш 38—42 процент ва истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш 30—32 процент кўпайтирилсин. Барча тармоқларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин».
(КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасидан).

САНОАТ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув бирлашмаси коллективи ўтган беш йилликда ўз зиммасига қабул қилган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари адо этди. Тўққизинчи беш йиллигининг якунловчи йилини юксак меҳнат унумдорлиги ва аъло сифат йили деб эълон қилиш бўйича ватанпарварлик ҳаракати ташаббускорларидан бўлган бу илғор корхона ишчилари шу кунларда партиямиз XXV съезди шарафига муносиб армуғон тайёрлаш мақсадида тобора меҳнат кўтаринкилигини авж олдирмоқдалар.

— КПСС Марказий Комитетининг партиямиз XXV съездига лойиҳаси бирлашмамиз коллективи томонидан ҳам кенг муҳокама қилинди. Цех ва участкаларда бўлиб ўтган йиғилишларда лойиҳа материалидан келиб чиққан ҳолда ўнинчи беш йилликка мўлжалланган режалар ишлаб чиқилди. — дейди бирлашма бош директори Г. Адалев.

Маълумки, ўнинчи беш йиллигимиз сифат ва самарадорлик беш йиллигидир. Бу ҳақда куни-кеча ўз нашини якунлаган Тошкент шаҳар меҳнаткашларининг партия конференциясида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу демак ҳар бир ишчи ички резервларни тинмай изланиши, моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиши, сифат кўрсаткичларини янада яхшилашга эришиши лозим. Иш вақтидан тўла фойдаланиш, меҳнатни илмий ташкил этиш ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Сўнгги йилларда тикув бирлашмаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига катта эътибор берадиган бўлди. Бундан бир неча йил муқаддам бу ерда тикилаётган айрим маҳсулотларнинг сифатсизлиги ҳақида меҳнаткашлардан тез-тез шикоятлар келиб турарди. Ўз навбатида бу хатлар корхона аҳли томонидан муҳокама қилинар, бироқ иш сифати эса ўша-ўша эди. Нима қилиш керак? Бу савол барчанинг диққатини чулгаб олди. Натижада, бир неча бор харидорлар билан учрашувлар ўтказилди. Уларнинг фикр ва мулоҳазалари эътиборга олинди. Қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Масалан, илгаклари тайёр маҳсулот бирлигина техника контроли кўригидан ўтар эди. Шошма-шошарлик туфайли баъзан сифатсиз маҳсулотлар ҳам магазинларга чиқиб кетарди. Эндиликда техника контролёрларининг масъулияти оширилди. Улар устидан ҳам назорат ўрнатилди. Бракка йўл қўйётган ишчиларни умумий йиғилишларда муҳокама қилиш, аъло сифатли маҳсулот тайёрлаётганларни эса рағбатлантириш туфайли маҳсулот сифати яхшиланди. Бундан ташқари корхонада республика енгил саноати министрлиги Марказий лойиҳа конструкторлик технология бюроси мутахассислари ёрдамида сифатни бошқариш бўлими ташкил этилди. Эндиликда бу бўлим бош штаб вазифасини ўтамоқда.

Корхонада нуқсонсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни биринчи тақдимдаёқ топшириш бўйича саратовликлар системасини жорий этиш юзасидан олиб борилган ишлар ҳам маҳсулот сифатини яхшилашда ўз самарасини кўрсатди.

Бир неча йил муқаддам корхонада меҳнат интизомини бузувчилар ҳам тез-тез учраб туради. Ишга кеч келиб, эрта кетиш ҳоллари рўй берарди. Бу нарса ҳам меҳнат унумдорлигининг пасайишига таъсир кўрсатарди. Натижада корхонада баъзан ойлик топшириқлар бажарилмай қоларди. Бу нуқсон ҳам коллективнинг эътиборидан четда қолмади. Интизомни бузувчиларга қарши қатъий чора кўрилди. Уларнинг рўйхати қора тахтадан ўрин олди, деворий газеталарда танқид қилинди.

Корхона тараққиётини очиқ-ойдин ёритиб берувчи баъзи мисолларга мурожаат қилайлик. Бирлашмада ўтган йили ишлаб чиқариш ҳажми олдинги йилга нисбатан ўндан бир ҳиссага ўсди. Давлат Сифат белгиси билан тайёрланаётган маҳсулотлар миқдори 2,5 баравар кўпайди. Ассортимент тўртдан уч қисмга янгиланди. Биринчи сортли буюмлар ишлаб чиқариш плани 6,4 процентга ошириб бажарилди.

Корхона ишчиларининг учдан икки қисмини ёшлар ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги ўз касбларини мукаммал билишмайди. Ёшларда касбга нисбатан меҳр уйғотиш ва уни мукаммал эгаллаб олишга ҳавас орттириш тажрибали ишчилар зиммасига юклатилган. Айниқса Н. Шарипова, Н. Олимова, Р. Сидиренко каби тажрибали мураббийлар ёшларни тарбиялашда ўрнак кўрсатишмоқда.

Бундан ташқари корхонада костюм тикишни ўрганиш бўйича курслар ташкил этилган. Яқинда бир группа ёшлар бу курсни битириб чиқишди. Ҳозир улар ўз устозларидан қолишмай ишлашмоқда.

Шу кунларда корхонада «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXV съездига лойиҳасига биноан ўнинчи беш йилликда техника тараққиёти плани ишлаб чиқилди. Бунда ишлаб чиқаришга илғор тажрибаларни жорий этиш, универсал дастгоҳлар ўрнатиш ҳисобига ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш ва маҳсулот сифатини кескин яхшилашга асосий эътибор қаратилган.

М. ОРИПОВ.

Устки трикотаж фабрикасининг ёш тўқувчиси Гулия Егафарова КПСС Марказий Комитетининг партиямиз XXV съездига лойиҳаси билан танишиб чиқиб съезд шарафига бошланган меҳнат вахтасида смена топшириқларини 130 процентдан ошириб бажариш билан ҳамкасбларига ўрнак бўлаётир. Коммунистин меҳнат зарбдори барча маҳсулотни биринчи тақдимдаёқ юқори сортларга топширмоқда.

СУРАТДА: Г. Егафарова

И. Шоиноғомов фотоси.

ҚУВОНЧЛИ ЮТУҚЛАР

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини қизғин муҳокама қилиш мобайнида ички резерврларни ишлаб чиқаришга жорий этган Риза Азизов бошлиқ бригада коллективи электромонтаж буюмлари заводида янги меҳнат ютуғини қўлга киритди. Бригада аъзолари битта электр шкафини пайвандлаш учун кетадиган вақтни икки соатга қисқартиришга муяссар бўлдилар.

ЙИЛЛИК ПЛАН—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Ленин, Фрунзе ва Сергели районлари мусобақаси

Шонли анъаналарга садоқат

1975 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ — ДЕКАБРЬ ОЙИ КЎРСАТКИЧЛАРИ	Ленин районы	Фрунзе районы	Сергели районы
Маҳсулот реализацияси бўйича планнинг бажарилиши (процентларда).	103,9	102,8	102,9
Планга қўшимча реализация қилинган маҳсулот (минг сўм ҳисобида).	10709	8678	3503
Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръатлари (процентларда).	109,8	105,9	116,2
Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиши (процентларда).	101,6	102,3	102,6
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда).	108,7	104,3	103,5
Меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши (процентларда).	89,8	67,8	24,7
Товар маҳсулот таннархини арзонлаштиришдан олинган фойда (минг сўм ҳисобида) январь — ноябрь ойлари кўрсаткичлари	800	907	261
Планни бажармаган корхоналар:	—	—	1
а) реализация ҳажми бўйича бажармаган (минг сўм ҳисобида).	—	—	26
б) меҳнат унумдорлиги бўйича	4	—	5
в) таннарх бўйича	6	4	6
г) ортиқча ҳаражатга йўл қўйилди (минг сўм ҳисобида).	1050	278	1963
Арзонлаштиришга эришган корхоналар			
а) ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	5	5	4
б) меҳнат унумдорлиги бўйича	3	3	3
Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш 1975 йил январь — декабрь ойлари кўрсаткичлари (процентлар да).	92,8	102,0	77,4
Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда).	90,5	121,2	176,7
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (марказлашган молиявий манбалар).			
1975 йил январь — ноябрь ойлари кўрсаткичлари (процентларда).	90,0	82,0	103,0
Фойдаланишга топширилган турар жой майдони (минг квадрат метр ҳисобида).	14,7	13,3	2,1
Турар жойни фойдаланишга топшириш планининг бажарилиши (процентларда).	33,0	41,0	63,0

Ўзаро мусобақадош уч район — Ленин, Фрунзе ва Сергели район меҳнаткашларининг тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилидаги зарбдор меҳнат вахтаси муваффақиятли якунланди. Шаҳар статистика бошқармасининг маълумотига кўра, районларнинг индустрияси халқ хўжалик планларини муддатидан илгари бажарди.

Якунловчи йилнинг январь-декабрь ойлари мобайнида «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, канап фабрикаси, электр-хўжалик буюмлари ва картон таралари заводлари (Ленин райони), абразив-олмос комбинати, «Таштекстильмаш» заводи, 1-пойафзал фабрикаси (Фрунзе райони), «Ўзторцветмет» бирлашмаси, қўйш тўқичлари заводи, шаҳар саноат бошқармасига қарашли 1-тикувчилик фабрикаси, ихтисослашган саноат базаси (Сергели райони) каби корхоналарнинг коллективлари айниқса юқори унумдорликда меҳнат қилдилар. Бу корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмини ва меҳнат унумдорлигини ўтган йил билан солиштирганда ўндан бир ҳиссага ўстирдилар.

Ўзаро социалистик мусобақа тўғрисида шартнома қабул қилган Ленин район саноат корхоналарининг коллективлари қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари адо эдилар. Масалан, «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи планга қўшимча 2 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олган эди. КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирган тикувчилар, планга қўшимча 3 миллион 140 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Райондаги картон таралари заводи, «Гордорремстрой» трестининг асфальт-бетон заводи, «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмаси каби корхоналарнинг коллективлари ҳам қабул қилган социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар.

Фрунзе районида абразив-олмос комбинатининг меҳнаткашлари мажбуриятни 225 минг сўмга, 1-пойафзал фабрикасининг коллективи 60 минг сўмга ошириб бажарди, шунингдек, 3-ғишт заводлари бошқармаси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти, резинатехника буюмлари заводи каби корхоналардир.

План кетидан қувиш ва меҳнат унумдорлигини ўстиришга етарли эътибор бермаслик натижасида Модалар уйи, 1-автомобиль ремонти заводи, шиша таралари заводи, тўқимачилик комбинати, «Ўзбекистон» бирлашмаси, Сергели норуда материаллари қарьери каби корхоналар маҳсулот таннархини қимматлашиб кетишига йўл қўйди.

Шундай қилиб, Ленин, Фрунзе ва Сергели районлари индустриясининг социалистик мусобақасига якун ясалди. Саноат корхоналарининг коллективлари ўнинчи беш йилликка қадам қўйдилар. Шу кунларнинг шиори: «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш»дан иборат бўлиб қолиши керак.

Пионерлар маскани

ҚУРИЛИШ

«1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партиямиз XXV съездига лойиҳасида «Пионерлар саройи ва уйлари» ёш техниклар ва табиатшуносларга станциялари, спорт ва музика мактаблари ҳамда болаларнинг бошқа тарбия муассасалари ривожлантирилсин» деб кўрсатиб ўтилган. Пойтахтимизда қурилиш ишлари олиб борилаётган республика пионерлар саройи комплекси партиямизнинг ёш авлодга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлигининг ёркин намунасидир.

Ушбу муҳим комплекс қурилишини 159-қурилиш трестига қарашли 13-бошқарма бунёдкорлари олиб боришяпти. Борис Ростов бошлиқ комплекс қурувчилар бригадаси 1975 йилда объект қурилишида 296,5 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириб, кўплаб қурилиш материалларини тежаб қолдилар. Монтажчи И. Ромашкин, Б. Қосимов, дурадгор Г. Келмаматов, электр пайвандчи М. Юмаҳқулов, Э. Шорахмедов, Н. Тимошенко каби ғишт терувчилар кунлик нормаларини 135—140 процент қилиб бажармоқдалар.

Мастер Ғайрат Расулов билан қурилиш майдонини айландик. 3, 15 гектарни эгаллаган бу объектда шаҳар пионерлари учун 800 ўринли киноконцерт зали, 1200 ўринли яшил зал, 300 ўринли меҳмонхона, 25 минг ёшга мўлжалланган стадион, спорт комплекси залларига ва майдончалари бунёд этилади. Булардан ташқари, кўргазма зали, само жисмларини бемалол кузата оладиган обсерватория ҳам бўлади.

Бинонинг олд томони Фурқат кўчасига қараган бўлиб, кираверишда отряд ва дружиналарнинг сафланишлари учун кенг майдон бўлади. Бу ерда пионерларнинг шуғулланишлари учун фан ва техника кабинетлари, халқ ижоди санъати бўлимлари, ўқув кабинетлари, кино-съёмка, хореография ва ҳар хил репетиция хоналари бўлиб улар турли тўгаракларнинг иш олиб борувчи 80 дан ортиқ кабинетларни бирлаштиради. Кабинетлар замонавий техника ва ўқув қуроллари билан жиҳозланади. Пионерлар саройи комплекси асосан уч қаватли бинолардан ташкил топади.

Ҳозир кўргазма зали, обсерватория бинолари кўкка бўй чўзмоқда. Меҳмонхона ва 300 ўринли кино-концерт зали бинларини пойдевор қисми тайёр. Еш мастер Ғайрат Расулов ана шу объектда бош-қош, у ҳар бир ишчини ўз жойига қўя билиш билан бирга техника кучидан ҳам унумли фойдаланяпти.

— Ғайрат ёш бўлса ҳам, ишнинг кўзини биладиган, кўпчилик билан ишлай оладиган коммунист. Уни гоҳ лойиҳачилар орасида, гоҳо қурилиш материаллари учун жон куйдириб юрганини кўрасиз, — дейди бошқарма партия комитети секретари Наби ака Ҳасанов.

Комплекс бутунлай ишга тушганда ажойиб бир меъморчилик кўринишига эга бўлади. Бахтиёр ёшлар эса кўркам бинолар жамолига боқиб, қўли гул фидокор қурувчиларга таҳсинлар айтадилар, уларнинг медҳига қўшиқлар куйлайдилар.

Н. ФАЙЗИЕВ,
бинокор.

Янада гўзал бўлсин

Чилонзор районидаги турар жой ташкилотлари, жамоатчилик, партия ва совет органлари районлардаги уйлар ташқи ва ички кўринишининг янада обод бўлиши учун қайғуришлари зарур. Бизнинг районимизда 16 та ЖЭК бўлиб, бу йил уларнинг сони 20 тага етади. Чилонзордаги уй-жой бошқармасида ҳар куни бўлиб ўтадиган планёркада райондаги марказий кўчаларда олиб борилаётган ишлар қайд этилади.

2-ЖЭКнинг хизматчилари жамоатчилик кучи билан Чилонзор ва Муқимий кўчаларидаги турар жой биноларининг балконлари қоқиқарли аҳволда бўлишини таъминламоқдалар. Бу ерда истиқомат қилаётган кўпчилик уй эгалари эрталаб соат олтидан кейин балконларида деч қандай кийим-кечак осмасликлари кераклигини жуда яхши билишади. Биз аҳоли ўртасида бу ҳақда тушунтириш ишлари олиб бориб балкон, верандаларни озода сақлаш кераклигини уқдирдик.

Лекин шунга қарамасдан баъзи бир аҳоли бу қоидаларга бўйсинишмаяпти. Ҳар куни эрталаб ва кечқурун келадиган аҳлат йиғувчи махсус машиналар сигнал чалиб, чиқиндиларни олиб кетишига қарамасдан баъзи кишилар кечқурунлари ҳар хил чиқиндиларни уйнинг у ер, бу ерига ташлаб биз озода қилаётган бинолар атрофини ахлатхонага айлантиришмоқда. Бу ҳақда «Автодормехбаза» раҳбарларининг ҳам айби бор. Нега десангиз улар чиқиндиларни олиб кетадиган машиналарни кўпинча назорат қилишмайди. Натижада кўпчилик уйда йўқ маҳалда бу машиналар келади.

Пойтахтимиз чиройи кўзни қувонтирсин

Ҳовлиларнинг ҳамиша озода бўлишида уй комитетлари, жамоатчилар катта ёрдам беришмоқда. Бундай ёрдамчилар айниқса биринчи ва учинчи кварталда кўпчиликни ташкил этади. Биринчи кварталдаги А. Я. Зельдич, А. А. Новицкий, А. И. Романов, В. П. Кузина, учинчи кварталдаги уйларда истиқомат қилувчи И. А. Цибин, И. И. Иванов, А. И. Ишужин, Г. Салоҳиддинов ва бошқалар шулар жумласиндир.

Аҳолининг активлиги ва биринчи кварталдаги 43-уйнинг маҳалла комитети раиси Ўринбосари А. А. Новицкий ёрдами билан 42, 43, 44-уйлар намунали уйларга келтирилди. Бу ерда 2-ЖЭК ишчилари ёрдамида ўтган йили йўлкалар ремонтдан чиқарилди.

Шаҳримиз машҳур қишиларининг ҳамшаҳарларимизга қарата Тошкентни янада гўзал қилиш ҳақидаги очиқ хатига биз ҳам қўшиламиз. Лекин бу борада фақат бир ёқадан бош чиқариб, ҳамма ўз улушини қўшгандагина, муваффақиятга эришиш мумкин. Масалан, 2-ЖЭКда бундан уч йил муқаддам санитария комиссияси жуда яхши ишлаган эди. Кўпинча озодагарчилик ҳақида рейдлар ўтказилиб, участкалар текширилади. Ўтган йили 2-ЖЭКнинг партия бюроси комиссия билан ишлашни бўшаштириб юборди.

Баъзи бир ташкилотлар шаҳар ижроия комитетининг ободончилик, турар жой ва аҳоли юрадиган йўлкалардаги асфальтларни бузаётганларга қарши чиқарган қоидасини бузишяпти. Бу гап «Таштеплосеть», «Водоканал», «Ташгоросвещение» ва бошқа ташкилотларга тааллуқлидир. Улар кўчаларда бажарган ишларини охирига етказишмайди. Мисол учун Чилонзор массивидаги биринчи ва иккинчи квартал чегарасини олайлик. Бундан икки ой муқаддам бу ерда авария бўлган эди. Иш бажарилди-ю, ҳамма ёқда чуқурчалар ҳосил қилиниб, жўнаб қолишди. «Таштеплосеть» айби билан бизнинг территориямизда чала ташлаб кетилган ерлар жуда кўп.

Ана шундай қоидани бузаётганлар учун бевосита турар жой ташкилотлари эмас, балки ана шу бузувчи айбдорларни жазолаш керак. Тошкентни янада обод қилиш ҳар бир ҳамшаҳаримизнинг бурчи бўлиши лозим.

Ю. КОНОПЛЕВ,
Чилонзор район уй-жой бошқармасига қарашли 2-ЖЭК бошлиғи.

«Ташхимсельмаш» заводининг машинасозлари қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ишлатиладиган «ОВХ_14» маркали агрегатларни кўплаб ишлаб чиқармоқдалар.

СУРАТДА: корхонанинг илғор ишчиларидан С. Бобожонов билан У. Худойқулов «ОВХ_14» машинасини жўнатиш олдидан яна бир бор кўздан кечирмоқдалар. М. Нуриддинов фотоси.

Назарияни эгаллаб

Главташкентстрой» транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси партия маорифи системасида янги ўқув йили уюшқоқлик билан давом этмоқда. Бу ерда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм кечки университетининг филиали уч йилдан буён иш олиб бормоқда. Унда бошқармадаги раҳбар ҳамда инженер-техник ходимлар ва бошқармага қарашли корхонанинг шу каби кадрларидан юзга яқин киши таълим олмоқда. Дастлабки машғулотлар ва бошқармага қарашли корхонанинг ходимлари ҳамда бошқарма партия комитетининг бюро аъзолари қатнашдилар. Филиалда КПСС тарихи, Совет қонунчилигининг асослари ва бошқа номдаги курсларда машғулотларни малакали мутахассислар олиб бормоқдалар. Бу мутахассислар В. И. Ленин номли ТошДУ ижтимоий фанлар бўйича малака ошириш институти ва бошқа олий ўқув юртларининг ўқитувчиларидир.

1974—75 ўқув йилида икки ва уч йиллик курсларни 5,9-автотранспорт корхонасининг директори З. Ф. Сарбаш, А. Пустовалов, бошқарма ишлаб чиқариш бўлимининг катта инженери Л. Ф. Казнова, шу бўлим инженери Р. П. Рожнова, 4-автотранспорт корхонаси инженери В. С. Рагулин ва бошқалар яхши ва аъло баҳолар билан тамомладилар.

Транспорт бошқармаси раҳбарлари ва партия комитети машғулотларнинг уюшқоқлик билан ўтказилиши ва самарали бўлиши йўлида ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Бу ерда шунингдек иқтисодий ва партиявий ўқув ҳам йўлга қўйилган. Ўқув бир ойда икки бор назарий семинар методида олиб борилади. Жумладан, биринчи группада — ўрта техника ҳамда умумий таълимга эга бўлган ходимлар шуғулланади, учинчи группа эса, марксча сиёсий иқтисодни ўрганишга ихтисослаштирилган. Машғулотлар программ а с и «Экономическая газета»да эълон қилинган программа асосида ишлаб чиқариш ихтисослигини ҳисобга олинган ҳолда тузилган.

Программага «Социалистик жамиятда меҳнат», «Меҳнат ва техника тараққиёти», «Меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш ҳамда иш жойини илмий асосда ташкил этиш» каби мавзулар киритилган. Семинарларга марказлаштирилган — бухгалтерия бошлиғи А. П. Старков, план бўлимининг бошлиғи — Н. И. Борисова, ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи А. И. Тюханов каби бошқарманинг тажрибали мутахассислари раҳбарлик қилмоқдалар.

Ўқитувчилар машғулот давомида назарий билимларни ўз корхоналарининг ишлаб чиқариш тажрибаларига бевосита тадбиқ этишга, ишлаб чиқариш корхоналаридан аниқ мисоллар келтиришга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, машғулотларнинг давомийлиги, тингловчилар давоматини ҳисобга олиб борилади.

Сиёсий ва иқтисодий ўқув натижалари ишлаб чиқаришнинг катта коллективи, меҳнатида ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Тингловчиларнинг аксарияти ўзларининг умумий ва шахсий дунёқарашларини кенгайтирмоқдалар, жамоатчилик ишларидаги фаолликларини оширмоқдалар ҳамда ишлаб чиқаришда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Партия маорифи системасидаги, иқтисодий ўқув ва комсомол маорифи ноҳоб-чаларининг ҳамма группаларида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини ўрганиш юзасидан қўшимча машғулотлар олиб бориляпти.

Н. РИХСИЕВ.

„Тошкент оқшоми"да босилганлар ҳақида

«ГРАФИК НЕГА БУЗИЛЯПТИ?»

Газетанинг 1-ноябрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали материалда шаҳардаги бир қатор нон дўконларида нон ва нон маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмаётгани ва бунинг оқибатида шаҳар аҳолиси кўп вақтини нон излашга сарфлаётгани таъкид қилинган эди.

«Тошкентнон» корхоналар бирлашмаси раҳбарларидан олинган жавобда кўрсатилишича, газета материали кенгайтирилган ишлаб чиқариш йиғилишида муҳокама қилинган. Унда иштирок этган директорлар, таъминот бўлимларининг бошлиқлари ва бирлашманинг актив ишчилари содир бўлган аҳволни атрофлича таҳлил этишди.

Газетада келтирилган нуқсонларни тузатиш мақсадида магазинларда нон ва нон маҳсулотлари қабул қилиб олишнинг янги системаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, заявкалар ва ассортимент ҳамда маҳсулот сифатини назорат қилиб бориш топширилди. Бундан ташқари график ҳамда буюртмаларни ўз вақтида бажарилиши қаттиқ назорат остига олинадиган бўлди. Айрим келишмовчиликлари оператив равишда ҳал этиш мақсадида ишлаб чиқариш участкаларига кичик автомашиналар ажратилди.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Ширин сўз, яхши кайфият— узоқ умр

ДАВОЛОВЧИ ПОЛИМЕРЛАР

Ленинградда физиологик актив синтетик полимер моддаларга бағишлаб ўтказилган Бутуниттифоқ симпозиумида медицинада «Катта молекулалар» химиясини қўллаш турли соҳалари тўғрисида гап борди. ТАСС мухбирининг илтимосига биноан, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Н. А. Платей ҳозирги замоннинг шу актуал проблемаси тўғрисида гапириб берди:

— Полимер моддалари одам учун «запас қисмлар» тўғрисидаги фан-аллопластикани тубдан ўзгартириб юборди. Киши органлари ва тўқималарини протез қилишга дастлабки уринишлар жуда қадим замонлардан бери маълум, аммо, медицинада бунинг учун киши организмида узоқ турган билан ўз хоссаларини ўзгартира олмайдиган шундай биологик инерт материаллар йўқ эди.

Бугунги кунда юксак молекуляр бирикмалар асосида ишлаб чиқилган юрак клапанларининг протезлари учун шариклар, сунъий қон томирлар, пай ва бошқа трансплантатлар клиникаларимизда топилади.

Одам организмига киритилган дори таъсирини чўзиш зўр қизиқишга ва амалий аҳамиятга эга, деди олим. Исталган натижага эришмоқ учун дори дозасини ошириш ҳар хил мушкулликлар манбаи бўлиб хизмат қилади. Ҳолбуки, ҳозирга қадар кўпинча шундай қилишга тўғри келарди. Доривор моддани маҳсус полимерга «миндириб» ва шу ҳолда уни киши организмига киритиб бу мушкулликдан қутилиш мумкин. Бундай дорилар кам бўзилади ва активлигини узоқ вақт сақлаб қолади.

(ТАСС).

ЯНГИ БИНОГА

Пятигорскдаги «Лесная поляна» санаторийси янги бинога кўчиб ўтди. Курувчилар янги тўқиз қаватли корпусни курорт ходимлари тасарруфига топширдилар. Эндиликда санаторий бир маҳалнинг ўзида қарийб 1000 кишини даволай олади.

Бугунги янги бино ўнинчи беш йилликда Пятигорскда ишга тушириладиган объектлар рўйхатини бошлаб беради.

Киров районидаги 5-стоматология поликлиникаси энг замонавий медицина техникаси билан жиҳозланган.

СУРАТДА: поликлиника стоматологлари (чапдан ўнгга) М. Кенжаева ва Х. Маҳмудова.

М. Нуриддинов фотоси.

Юрак хасталанмасин

Газетхон илтимоси

«Ҳурматли редакция! Юрак хасталиги, унинг олдини олиш, атеросклерозни даволаш ҳақида маълумот берсангиз», — деб ёзишибди оқшомхонлардан С. Икромов, К. Тоҳиров ва О. Жамоловалар. Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими Ориф Азизхўжаев билан ана шу мавзуда ўтказилган суҳбат мазмунини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

САВОЛ: — Қон-томир касалликларининг келиб чиқишига асосан нима сабаб бўлади?

— Турли сабаблар билан қон томирлар деворининг бузилиши касаллиги ҳамда зичлашувда атеросклероз хасталиги келиб чиқади. Қон томирлар деворининг зичлашуви уларда қўшувчи тўқима пайдо бўлишига боғлиқ, бу эса атеросклероздир. Қон томирлар атеросклерози — атеросклероз касаллигининг энг асосий намунасидир. Бу касалликнинг энг муҳим ва кўп учрайдиган, шу билан бирга бош мия, юрак, буйрак каби ҳаёт учун энг муҳим аъзоларнинг қон томирларига зарар етказадиган формасидир. Унинг бошқа хил атеросклерозлардан фарқи шуки, у қон томирлар деворида холестерин — ёғсимон моддасининг кўплаб йиғилиши оқибатида рўй беради.

Агар қонга вақт-бевақт ортиқча холестерин кириб турса, у вақтда холестерин моддасининг қон томирларида йиғилиб қолишига йўл қўймайдиган лецитин моддаси кучсизлик қилади, натижада қон томирлар деворларига холестерин моддаси ўтира бошлайди. Холестерин моддаси қон томирларининг турли ерларига ўтириб, унинг деворларини бўрттириб юборади. Қон томирлар девори бўртиб, унда қўшувчи тўқима ўсади атеросклероз бляшка (холестерин тўпланган думалоқ яра)лари шу тариқа вужудга келади. Бинобарин, қон томирларининг деворлари тадир-будур бўлиб, ичи тораяди, томирнинг майинлиги йўқолади. Бора-бора атеросклероз бляшкалари устига оҳак моддалари келиб ўтиради, натижада қон томирлари девори, айниқса зичлашиб ва қотиб, майинлиги қолмайди. Склероз бляшкалари пайдо бўлган ва бунинг оқибатида торайган артерияларда тромбм (қон қуйилишидан ҳосил бўлган пробка)лар пайдо бўлади. Бу эса юрак, буйрак, бош мия ва бошқа аъзоларнинг қон билан таъминлашини пасайтиради.

Юрак-қон томири деворларига холестерин моддасининг кўп миқдорда ўтириши оқибатида юрак-қон томирлари ўз эластик ҳолатини йўқотади, торайиб қолади. Худди мана шу склероз натижасида ўзгарган қон томирларга қисилиб қон томир йўлини торайтириб қўяди. Оқибатда юрак мушакларига етарлича қон келмайди, натижада юракнинг айрим қисми карахтланади ва киши стенокардия деган касалликка чалинади. Томирлардан юрак мушакларига бутунлай қон келиши тўхтаб қолса, миокард инфаркти— юрак мушакларининг жонсизланиши рўй беради.

САВОЛ: — Бундай касалликларнинг кўпайишига аксарият руҳий омиллар сабаб бўлади, дейишади. Шу тўғрими?

— Юрак-қон томир хасталиклари чиндан ҳам ер юзида кенг тарқалган касалликлардан биридир. Кейинги йилларда юрак-қон томир касалликлари ҳақида турли мулоҳазалар айтилмоқда. Бу хасталиклар умумий организмнинг касаллиги бўлиб, асосан юрак-қон томирлари зарарланади ва юрак атрофидаги оғриқлар билан характерланади.

Маълумки, кейинги йилларда кўпгина юқумли касалликлар, чунончи; қорин тифи, паратиф, бўғма, айниқса сил ва бошқалар анча камайди. Шунга кўра, ҳозирги вақтда бизда кишиларнинг умри узайди. Агар 1920 — 30 йилларда умр узунлиги ўртача 43 ёшга баравар бўлса, 1970— 1971 йилларда эса 71 ёшга тенг бўлиб қолди. Кексайган кишилар орасида атеросклероз, ҳафақон, юрак пороги ва қанд касалликлари кўпроқ учрайди. Яшаш шароитида асаблга зўр келадиган баъзи ҳодисалар ва ҳаддан ташқари чарчаш, кишини юрак-қон томир системаси хасталигига мойил қилиб қўядиган кўпгина сабаблар қаторида муайян роль ўйнайди.

Юрак-қон томирлари ҳам ҳаяжонланиш, қўрқиш, чўчиш, шодланиш, ғазабланиш, изтиробда юриш ва шунга ўхшаш асаб процессларида тез ўзгариб туради. Одатда бу ўзгаришлар қисқа вақт давом этиб, юрак-қон томир системаси марказий асаб системасининг таъсирида яна бир меъёрда ишлашга қайтади. Аммо, юқоридаги каби асабий ўзгаришлар кучли бўлса, ёхуд узоқ қайтарилиб турса, юрак ва қон томирларининг муайян касалликларига олиб келади.

САВОЛ: — Маълумки, киши ташқи таъсирлардан қутулиш учун бошқалардан «беркиниб» яшай олмайди. Шундай таъсир остида хасталанмаслик учун нима қилиш керак?

— Ҳозирги замон цивилизацияси кишиларда ўз ҳис-туйғуларини тўхтата билиш фазилатини тарбиялайди, ўзини тута билишга ўргатади. Бу салбий эмоциялар (қўрқиш, ғазабланиш ва шу кабилар)гагина эмас, ижобий эмоцияларга (шодлик, хурсандчилик)ка ҳам таллуқлидир.

Ўзини «тута билиш» бу касалликларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди, аммо ўзини тута билиш ёки асаб ҳаяжонларини идора қила билиш ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки тарбия билан, коллектив ўқаёт формалари билан вужудга келади. Ёшлигидан ижобий таъсирланишга, ўзини тута билишга, кишиларга ғамхўрлик қилишга ўрганган, кек сақлашга одатланмаган гаразсиз одамлар кучли эмоциялар таъсирида ҳам касалликка чалинмайди. Чунки, бундай кишилар кучли иродали, руҳий бардам инсонлардир.

Болаларни ёшлигидан ахлоқ, одоб, катталарга нисбатан ҳурмат, кичикларга эса ғамхўрлик руҳида тарбиялаш коммунистик жамият шароитида соғлом юрак-қон томир касалликлари нима эканлигини билмайдиган авлодни вояга етказиш гарови эканлигини унутмаслик зарур.

САВОЛ: — Бундай хасталикка қандай кишилар кўпроқ чалинади?

— Юрак-қон томир касалликлари (стенокардия, ҳафақон ва миокард инфаркти) зўр бериб ақлий меҳнат билан шуғулланадиган, жисмоний меҳнатга ва спортга қизиқмайдиган кишиларда бирмунча кўпроқ учрайди. Тинимсиз ақлий меҳнатдан кейин юрак атрофида оғриқлар пайдо бўлиши ёхуд иш вақтида ҳам юрак атрофида оғриқ пайдо бўлиши мумкин. Текширишлар шуни кўрсатадики, юрак қисиши билан давом этадиган ўзгаришлар сўз таъсири билан айниқса осон ва тез вужудга келади. Сўз— асаб, юрак қон томири ўзгаришларининг энг характерли таъсирловчисидир. Чунки, бош мия марказий нуқталарига таъсир / этишлар, юрак-қон томир системасининг ҳолатида акс этади. Юракнинг ритми ўзгаради, қон томирлари эса тораяди.

Ҳозирги замон шароитида, техника ғоят жадал тараққий этаётган бир вақтда инсонинг руҳий ўзгаришлари юрак-қон томирлари касалликларининг кўпайиб кетишига сабаб бўлаётирми? — деган савол туғилиши мумкин.

Албатта, техника тараққиёти кишиларнинг тафаккурини ишга солишга мажбур этиши билан бирга, унинг шовқини одамларга таъсир этиб, кўпинча юрак-қон томир касалликларини келтириб чиқаради. Бинобарин, шовқинни йўқ қилиш зарур. Шунинг учун олимлар техникада шовқинни камайтириш, қурилишда эса шовқинни киши саломатлигига кам таъсир этадиган қилиб турар жой, сохроналар барпо этмоқдалар.

Одамнинг ўзи меҳнатни енгиллаштириш, фаровон турмуш учун техникани тараққий эттирмоқда, техниканинг тараққий этиши одамга шундай ҳаётнинг шароитини муҳайё қилиб бермоқдаки, аввалги ота-боболаримиз бу тўғрида фақат хаёлдан нарига ўта олган эмаслар, албатта. Ибтидоий даврдан то бизгача бўлган бир неча минглаб йиллар давомида одамларнинг мускуллари ривожланган ва бақувват мускулларнинг меҳнати оқибатида ҳаёт кечирган. Ҳозирги вақтда эса мускулларга кам иш тўғри келади. Шунга кўра жисмоний машқлар билан мускулларни чиниқтириш керак.

САВОЛ: — Бу касалликларнинг келиб чиқишига яна қандай омиллар сабаб бўлади?

— Юрак-қон томир касалликларининг келиб чиқишида ички секреция безларининг фаолияти алоҳида ўрин тутади. Кўпчилик олимлар (А. Л. Мясников, Г. Ф. Ланг, М. Плоц ва бошқалар) юрак-қон томир касалликлари эркаклар орасида 50 ёшгача кўпроқ учрашини, 50 ёшдан кейин эса аёлларда кузатилишини аниқлаган эдилар. Юрак-қон томирлари касалликлари билан оғриган 200 дан ортиқ беморда олиб борилган текширишларимиз ҳам юқоридаги олимлар фикрини тасдиқлади. Маълумки, аёлларда 45 — 50 ёшдан бошлаб жинсий ўзгаришлар рўй беради. Бу эса аёлларда юрак-қон томир касалликларининг келиб чиқишига катта йўл очиб беради.

Баъзи одамларда юрак-қон томир касалликларига берилувчанлик мавжуддир. Уларда баъзилари туғма, ирсий характерда бўлса, баъзилари яшаш жараёнида ортқтирилган ўзгаришлар бўлиб, булар касаллик келиб чиқишига йўл очади.

САВОЛ: — Бундай хасталик юқмаслиги маълум. Улар наслдан наслга ўтадими?

— Ирсий мойиллик асаб системасининг ва модда алмашинувининг хусусиятларидан иборат. Шу хусусиятлар борлигидан, ташқи муҳит тегишли таъсир этганида юрак-қон томир касалликларига кўпроқ мойиллик вужудга келади. Бинобарин, касалликнинг ўзи наслдан-наслга ўтмайди, балки организмнинг баъзи бир хусусиятлари наслга ўтади, бу хусусиятлар маълум бир ташқи шароит таъсирида хасталик келиб чиқишини тезлаштиради. Бу касалликлар пайдо бўлиши учун ташқи муҳит ноқулай таъсир этиши керак. Юқорида айтганимиздек, асабий ҳаяжонланишларнинг муайян хусусиятлари юрак-қон томир касалликларига мойил қилиб қўяди.

САВОЛ: — Юрак хасталиклари қай пайтда кўпаяди?

— Юрак сиқиши, миокард инфаркти ва ҳафақон касалликлари баҳор фаслида кўпроқ безовта қилади. Маълумки, баҳорда меваларнинг бўлмайди, бинобарин юрак-қон томир фаолияти учун керакли бўлган моддалар, айниқса витаминлар етишмайди. Витаминлар олий асаб системаси, юрак-қон томир фаолияти учунгина эмас, унинг тузилишида ҳам катта роль ўйнайди. Витаминлар қон томирларини деворларини мустаҳкамлайди. Ундан ташқари, организмда ёғ, қанд, оқсил ва бошқа кимёвий моддаларнинг ўзаро бўлиб турадиган реакцияларида воситачилик вазифасини бажаради.

Бинобарин, организмда витаминларнинг етишмаслиги ушбу реакциялар мувозанатининг пасайиб кетишига сабаб бўлади. Бу ҳол юрак-қон томири касаллигига мойил кишилар организмига ёмон таъсир этади. Витаминлардан ташқари юрак-қон томир системасининг фаолияти учун бир қанча минерал моддалар ва микроэлементлар керак бўлиб, улар калий моддасининг манбаи ҳисобланади. Бу моддалар олиб борди.

Суҳбатни

Ў. БОЗОРОВ ва Т. РАСУЛОВлар

КЛУБ ЧИРОҚЛАРИ ЧОРЛАМОҚДА

Тошкент маданий-оқартув техникумини битириб чиққан ўн икки киши Ўзбекистонда биринчи бўлиб клубларда оммавий-оқартув тадбирларини амалга оширувчи режиссёр мутахассислигини эгаллади. Ўрта ўқув юрти бу йил ўзининг бутун тарихи мобайнида клуб ва маданият саройларининг энг кўп ходимларини етиштириб, ҳаётга йўлланма берди. Улар орасида музика, хор ва театр коллективларининг раҳбарлари, безовчи рассомлар бор.

— Уларнинг ҳаммаси, — деди техникум директори Анвар Раҳматуллаев ЎзТАГ мухбирига, — ўқишга қаердан юборилган бўлса ўша районларнинг марказлари, колхозлар, совхозлар, шаҳарларга тақсимлаб юборилди. Чунки улар билим юртимизга ўқишга киришлари учун бадиий ҳаваскорликда иштирок этишлари ғоят муҳим эди, бошқача қилиб айтганда ёшларга қандайдир кўникма борлиги катта аҳамиятга эга эди. Техникум ўқитувчилари имтиҳонлар бошланишидан анча илгари қишлоқ ва шаҳарларнинг маданият уйларига жўнаб кетадилар, улар бу жойларда бўлажак студентлар билан танишадилар.

Масалан, Муҳаббат Яҳшиева, Муҳитдин Остонов, Жўрабой Донобоев ва бошқа кўпгина шогирдларимиз бадиий ҳаваскорлар орасидан етишиб чиққан. Эндиликда Муҳаббат қадрдон Бухородаги Ленин номли колхозига жўнаб кетмоқда, у бу ерда ҳаваскорларнинг драма коллективига раҳбарлик қилади, Муҳитдин эса клубда амалга ошириладиган тадбирларнинг режиссёри сифатида Қашқадарё областининг Яккабоғ районидаги маданият уйига, Жўрабой ҳам режиссёр сифатида Самарқанд область Пастдарғом районидаги маданият уйига жўнаб кетмоқда.

Республиканинг тўртта маданий-оқартув техникумида клуб ходимлари ўқишни битириб чиқдилар. Орадан тагин икки йил ўтгач, бешинчи техникум — Бухорода янгидан очилган маданият техникумини ёшлар тамомлайдилар.

Жаҳон ойнаси

Манфаатдорлик асосида

ТОКИО. Ўтган йил якунлари Совет—Япония иқтисодий алоқалари муваффақиятли равишда ривожланаётганлигидан далолат бермоқда. Япония статистикасининг дастлабки маълумотларига кўра, 1975 йилда Японияннинг Совет Иттифоқи билан товар оборoти сал кам 3 миллиард доллари ташкил этди. Товар оборoти шундан аввалги йилдагига нисбатан 20 процент ортди. Шу билан бирга, Японияннинг СССРга маҳсулот экспорт қилиши қарийб икки баравар кўпайди. Бу эса Японияда чўзилиб кетган иктисодий тушкунлик шароитида Японияннинг ташқи савдо оборoти умуман қисқарган бир пайтда рўй берди.

Аввало, тушкунлик ва кризисларни билмайдиган Совет Иттифоқи экономикасининг барқарорлиги ўсиб бораётганлиги, шунингдек иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида кенг кўламдаги ва узоқ муддатли Совет — Япония битимларининг амалга оширилаётганлиги Совет — Япония савдосини муваффақиятли равишда ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Ўтган йил октябрь ойида Москвада 1976—1980 йилларда СССР билан Япония ўртасида товар оборoти ва тўловлар ҳақидаги янги битим муҳокама қилинган эди.

Японияннинг савдо-саноат доиралари иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масаласига ғоят қизиқиб қарамоқдалар. Япония савдо-саноат палатасининг раиси С. Нагано СССРга қилган сафаридан қайтиб келганидан кейин Жанубий Якутия кўмир ҳавзасида кўмир қазишга, Сахалин оролидаги шельфда нефть ва газ қидиришга оид асосий битимларнинг ҳамда биргаликда ҳамкорлик қилишга қаратилган бошқа менг кўламдаги лойиҳаларнинг аҳамиятига юқори баҳо берди. Бу битим ва лойиҳалар ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилмоқда.

СССР ва Европадаги бошқа социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиққа қўмаклашувчи Япония ушмасининг раиси М. Исано Япония — Совет савдосининг ривожланишидан мамнун эканлигини айтиб, бу савдо ҳажми тез ўсиб бораётганлигини таъкидлаб ўтди. Савдонинг ана шу ғоят тез суръатлар билан ўсиши, деди М. Исано, келгусида ҳам тез ривожланади.

(ТАСС).

ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

ДЕҲЛИ. Бу ерда босиб чиқарилган «Осиёда коллектив хавфсизлик» номли тўпламга КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари тўғрисидаги, шунингдек Осиё қитъасида хавфсизликнинг мустаҳкам гарантиясини яратиш проблемалари тўғрисидаги нутқларидан парчалар келтирилган. «Стерлинг паблишерз лимитед» нашриёти кўп нусхада чоп этган тўпламни Ҳиндистоннинг таниқли публицисти Аттар Чанд тайёрлади.

Аттар Чанд тўпламга сўз бошида бундай деб ёзади: шуни таъкидлаб ўтиш керакки, жаҳонда кучлар нисбати умуман социализм ва тараққиёт фойдасига ўзгарганлигининг таъсири остида Осиёда коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш ғоясини амалга ошириш учун кураш бошланди. Социалистик мамлакатларнинг тинмай сарфлаётган кучғайрати ва ер юзидаги барча прогрессив ҳамда тинчликсевар кучларнинг қатъий ҳаракатлари шундай системасини вужудга келтириш истиқболини яхшилади.

Чили халқи билан бирдамлик

ПРАГА. Чехословакия пойтахтида Чили Коммунистик партиясининг 54 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Чили халқининг ҳўжуқларини Чили Коммунистик партиясининг Чехословакия комитетининг раиси Я. Марко йиғилишда сўзлаган нутқида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Чехословакия Компартияси ва мамлакатнинг бутун ҳалқи Чили коммунистларининг оғир шароитда фашист диктатурасига қарши олиб бораётган мардона курашига юксак баҳо бермоқдалар. Биз, деди у, Чилининг мустақиллиги учун, озодлик, демократия учун курашда Чили коммунистлари билан интернационал бирдамлигимизни изҳор қиламиз.

* * *

ВАРШАВА. Польша ёшларининг бир неча минг ниши қатнашган митингида қабул қилинган резолюцияда бундай дейилади: биз бутун жаҳонда Чилининг қаҳрамон ёшлари ва мард халқи билан бирдамлик юзасидан нучайиб кетган ҳаракатни тамомила қўллаб, қувватлаймиз. Биз Чили ва халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби, Чили Компартиясининг Бош секретари Луис Корвалан ҳамда бошқа сиёсий маҳбуслар дарҳол озод қилинсин, деб талаб этамиз. Познанда ўтказилган митингда Чили Коммунистик ёшлар Марказий Комитети бош секретари Гладис Марин бошчилигидаги ана шу ташкилотнинг делегациси иштирок этди.

* * *

БЕРЛИН. Луис Корвалани ва Чилининг бошқа ватанпарварларини озод қилиш учун кураш — ҳозирги вақтда Чили коммунистлари ва барча демократларининг асосий вазифаси, деди Чили Компартияси Марказий Комитети сиёсий комиссиясининг аъзоси Орландо Мильяс, барча тараққийпарвар кучлар мамлакатда демократик ҳуқуқларни тиклаш йўлидаги курашга қўшилдилар. Орландо Мильяс Берлин жамоатчилиги Чили Коммунистик партиясининг 54 йиллигига ва Компартиянинг асосчиси Эмилио Рекабаррен туғилган куннинг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган митингда нутқ сўзлади.

* * *

ЛОНДОН. Англияда чиқадиган «Морнинг стар» газетаси ёзади: «соғлом фикр юритувчи ҳар бир киши Чили ҳунтаси қилаётган жиноятларга беғарбо қарай олмайди». Газетада Чилидаги аҳволга доир мақола эълон қилинди. Бу мақолада Пиночет режимининг жиноятлари жуда кўп мисоллар билан фош қилиб ташланган.

«Морнинг стар» газетаси жаллодлар неча мингдаб чилиликларни қамаб қўйганлигини таъкидлайди. Газета ҳунта маҳбуслари дарҳол озод қилинсин, деб талаб этади.

(ТАСС).

ДРЕЗДЕН МУЗЕЙИНИНГ СУРАТЛАРИ

БЕРЛИН. Дрезден музейида сақланаётган суратлар ГДРдагина эмас, балки чет элларда ҳам тобора кўп шуҳрат қозонмоқда. 1975 йилдагина бу суратларни 3 миллионга яқин киши, яъни аввалги йилдагига қараганда 500 минг кўп киши томоша қилди. Дрездендаги ўн бир музейни Совет Иттифоқидан ва бошқа социалистик мамлакатлардан, шунингдек Англия, Франция, Швеция ва Швейцариядан келган жуда кўп меҳмонлар ва туристлар томоша қилдилар.

ҚАДИМГИ ЁДГОРЛИКЛАР ТИКЛАНМОҚДА

ПРАГА. Чехословакияда ўтган ўн йил мобайнида қарийб 1700 тарихий ёдгорлик реставрация қилинди. Қадимий ибодатхоналар, қасрлар, тарихий бинолар вайрон бўлишдан сақлаб қолинди. Тарихий ёдгорликларни асрашни ўз зиммасига олган давлат шу беш йил ичида қарийб 1 миллиард крона сарфлади.

(ТАСС).

Эфиопия ҳукумати нўчманчи-чорвадорларни ўтроқ ҳаётга жалб этиш мақсадида уларни суғориладиган ерларга кўчирмоқда, чорвачилик фермаларини ташкил этяпти.

СУРАТДА: Веби-Шебели дарёси районидаги фермалардан бирида.

АДН—ТАСС фотоси.

Тараққиёт йўлидан

ДОРУССАЛОМ. Бирлашган Танзания Республикасининг ороллари қисми — Занжибар ва Пемба халқи нуни исча Занжибардаги революциянинг 12 йиллигини нишонлади. Афро-Шерозий партияси раҳбарлигидаги Занжибар ва Пемба халқи феодал режимини тугатиб, нокапиталистик ривожланиш йўлини қатъиян танлаб олди ва ўтган йиллар давомида шу йўлда катта муваффақиятларга эришди.

Утган вақт ичида ороллларда империалистик монополияларнинг ҳукмронлиги барҳам топди, банклар, ташки ва ички савдо национализация қилинди. Маъмурлар ерга хусусий мулкчиликни тугатдилар, энди ҳамма ерлар давлат мулки бўлиб қолгач, деҳқонларга текин фойдаланиш учун топширилди.

Балиқ овлаш анча ривож топмоқда.

(ТАСС).

ҚИРҒИЗИСТОННИНГ МЕДИЦИНА КОМПЛЕКСЛАРИ

«Ошстрой» трестининг коллективи Қирғизистон жанубидаги энг йирик медицина комплексини ф о й даланишга топширди. Комплексда бир нечта даволаш корпуси, ҳар хил лабораториялар, даволаш физкультураси учун катта зал бор.

Утган беш йилликда область шаҳарлари ва район марказларида айни бир вақтда 120 дан тортиб 240 кишигача беморларни қабул қилиш учун мўлжалланган бир қанча йирик касалхоналар қурилди.

Ҳозир Тўқтагул, Исфан, Жалолободда медицина комплексларини қуриш ниҳоясига етай деб қолди.

(ТАСС).

● *Фарзандларимиз камолини ўйлайлик*

Қарийб чорак асрдан буён прокуратура органларида ишлаб, совет қонунчилигини муҳофаза қилиб келаётган тажрибали ҳуқуқшунос, Собир Раҳимов район прокурори Азиз Муҳаммадалиев билан қилган бу галги суҳбатимиз, онлада болаларнинг тарбияси, айрим ҳолларда ёшлар томонидан содир қилинаётган безорилик, майда ўғрилик каби жиноятларни келтириб чиқараётган сабаблларга бағишланди.

— Азиз Шарипович, шоли қурмаксиз бўлмаганидек, илмга ташна, меҳнатсевар, одобли ёшларимиз орасида баъзан безорилик кўчасига кириб қолган такасалтанг арзандалар ҳам учраб туради. Уларнинг бундай йўлга киришига нима сабаб бўляпти?

— Жуда ҳам тўғри, шу билан бирга мураккаб савол бердингиз. Бу саволга жавоб беришдан олдин, онлани бир бўстонга, фарзандни эса ана шу бўстоннинг мевасига таққослаб ўтсам, хато қилмасам керак. Меванинг қанчалик ширали ва тотлилиги ёки аччиқ, нордонлиги аввало шу бўстон боғбони — ота билан онанинг иноқлигига, бир бирига бўлган ҳурмат-эҳтиромига, ҳалоллигига ва софдиллигига, меҳнатни қадрлай билишларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки партиямиз программасида ҳам инсонни ҳар томонлама камолотга етказмай туриб коммунизм қуришдек буюк ишни олга силжитиш мумкин эмаслиги, кишиларнинг маданияти, билими, ижтимоий онгини юксак даражага кўтариш зарурлиги алоҳида уқтириб ўтилади. Ана шундай илмли, маданиятли, ахлоқли инсонни тарбиялаб воғага етказишда онладаги соғлом муҳит, ота-она ўртасидаги самимий ҳурмат, камтарлик ва одамийлиги, нинг роли ниҳоят даражада катта.

Халқимизда болани бошидан асра, ниҳолни ёшидан, деган нақл бор. Чунки онлада ёмон фарзанд туғилмайди, балки ёмон онлада фарзанд туғилиши мумкин. Лекин, шу ўринда бир нарсани унутмаслик керак. Ҳеч бир ота-она ўз фарзандини ёмон йўлга бошламайди, унинг ахлоқсиз, безори, ички юзламачи бўлиб ўсишини истамайди. Ҳўш, фарзанд келажакда меҳнатсевар, камтар ва олийжаноб ахлоқ эгаси бўлиб етишиши учун шу нисбатнинг ўзи кифоя қилармикин? Йўқ, albatta. Фарзандга ёшлигидан тўғри ахлоқий нормаларни сингдириб бориши учун аввало ота-онанинг ўзи ана шу ҳислатларга эга бўлиши лозим.

Районимизда бундай ўз меҳнати, тўғри тарбияси самарасини кўраётган элюртдан раҳмат эшитаётган ота-оналаримиз кўп. Афсуски, юқорида айтиб ўтганимиздек, айрим ота-оналар ўз фарзандларига тарбия беришда ўта бепарволик қилишаяпти. Шундай ота-оналар билан ўтказилган суҳбатларда жуда лоқайдлик билан «Ўғлимиз ҳали ёш, эси кириб йўлини топиб олар, хато қилган бўлса қилгандир», деган ўринсиз баҳоналарни эшитиб қоламиз. Ана шу лоқайдлик орқасида баъзи ёшларимиз жамоат тартибларини бузиш, безорилик, ҳаттоки, ўғирлик кўчасига кириб қолишаяпти. Мана, бир мисол. Назриддин Носиров эндигина 18 ёшга кирган. Иккинчи Чимбой кўча 115-уй, 9-квартирада яшайдиган бу арзанда 7-синфни битириб ўқишни ташлаб кетган. Назриддиннинг отаси Г. Носиров 35-ҳаммомда механик, онаси Паризод шу ҳаммомда кассир бўлиб ишлайди. Уларнинг турмушдан камчилик жойлари йўқ. Назриддин ўқишни ташлагач, бирор фойдали ишга бўйни ёр бермади, ота-онага ёрдам беришни хаёлига келтирмади. Ота-она ҳам бу ҳақда заррача бош қотиришмаган. Натижада у ҳалол меҳнат қилмоқ, ўғирлик, ўзгалар мулкига чанг солиш йўлини танлаган. У Қорақамиш массивида яшовчи Аҳмаджоновга қарашли мотоциклни ўғирлаб кетган. Шу массивдаги 20-уйда яшовчи Калашниковнинг гаражидан 1040 сўм турадиган «ИЖ-Юпитер» мотоциклини, Саморуқ исмли кишининг 730 сўм турадиган мотоциклини йўлагида турган вақтида ўғирлаб олиб кетган. Ўғирланган мотоцикларнинг ҳаммаси Носиров яшаб турган ҳовлидан топилди. Наҳотки, бу ишдан ота-она бехабар бўлса, деган савол туғилади. Ўғиллари ҳеч бир жойда меҳнат қилмаслигини улар жуда яхши билишади. Шундай экан, мотоцикларни қаердан олиб келяпти, нимани ҳисобига ҳовли гаражга айланиб қолди? Бу ҳақда ўйлаб кўришмаганмикан? Афсуски, бу саволлар уларнинг хаёлига ҳам келмаган. Ҳар қандай софдил кишини ажаблантирадиган, уларга нисбатан қаҳр-ғазаб уйғотадиган томони ҳам ана шунда.

Ёки мана бу воқеани олайлик. Зенитний проезд 46-уйда яшовчи Қобил Қосимов энди 16 ёшга тўлган. Қобулнинг отаси Камол Қосимов ошхонада чойхоначи, онаси Санобар официантка бўлиб хизмат қилади. Уй-жойлари шай, рўзғорлари бут. Афсуски, бу онлада ҳам энг муҳими фарзанд тарбиясига бўлган масъулият етишмаяпти. Ўғил қаерга бориб келяпти, унинг чўнтагидаги жарақ-жарақ пуллар қаердан пайдо бўлаяпти? Ана шу саволларни бирор марта ўзларига бериб кўришдими? Йўқ. Натижада Қобил бировнинг чўнтагидан 53 сўм пулини ўғирлаб кетади. Орадан кўп ўтмай бошқа бир кишининг уйидан 200 сўм пулни ўғирлайди. Ажабланарли томони шундаки, Қобил ана шу охири берк «кўчага кириб, қўлга тушгунига қадар, унинг ахлоқи, юриш-туриши на ота-онани, на маҳалла жамоатчилигини заррача бўлса ҳам қизиқтирган.

Ёшлар бизнинг эртанги кунимиз, муносиб ўринбосарларимиз. Шундай экан уларни жамиятимизнинг софдил, ҳалол, меҳнатсевар, маънавий етук кишилари қилиб тарбиялаш биргина ота-она бурчи бўлиб қолмай, балки кенг жамоатчилик, мактаб маъмурияти, маҳалла активларининг ҳам вазифасидир.

— Юқоридаги каби кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш юзасидан районда қандай профилактик тадбирлар кўрилмоқда?

— Районимиз маъмурий органлари ходимлари кенг жамоатчиликнинг ёрдамига таяниб, ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, назоратсизликка барҳам йўлида қатор тадбирий чораларни амалга ошириб келяпти. Қайси маҳаллада ёшлар томонидан жамоат тартиби кўпроқ бузиляпти? Қайси жойда ёки маҳаллада назорат бўшашган? Биз аввало ана шу фактларни анализ қилиб, бутун эътиборни шу томонга қаратамиз. Маҳалла ва мактабларда ота-оналарнинг иштироки билан лекция ва суҳбатлар уюштириб борилади. Ана шундай тадбирлар натижаси ёмон бўлаётгани йўқ. Кейинги вақтда районимизда ёшлар тарбияси кенг жамоатчилик эътиборида бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам жамоат тартибини бузиш, безорилик каби кўнгилсиз, ота-она шаънига доғ туширадиган воқеалар кескин равишда камайди. Биз бу борадаги ишларни бундан кейин ҳам давом эттирамиз.

А. ШАЙХОВ.

Ота—она масъулияти

Яқинда Чилонзор районига қарашли 178-ўрта мактабнинг ўнинчи синф ўқувчиларига тантанали равишда янги нусҳадаги паспорт топширилди.

СУРАТДА: Тошкент шаҳар ижроия комитети Чилонзор район ички ишлар бўлимининг бошлиғи милиция майори Б. К. Қосимжонов ўнинчи синф ўқувчиси Марина Гришнованга янги паспортни топширимоқда.

Р. Шамсутдинов фотоси. УзТАГ.

● Диққат—янгилик

Уй офтоб билан иситилади

Тошкентда илк «офтоби уй» пайдо бўлди. Уйнинг қишда иссиқ, ёзда салқин бўлиши тўғрисида қуёш қайғуради. Узбекистон ССР Фанлар академиясининг физика-техника институтидаги ходимлар «қуёш «зиммасига» шундай вазифа беришган.

Январда бошланган эксперимент қишки режимда боряпти. Эрталабки офтоб гелиотехника полигони ўрнашган тепаликни ёритиб, катта терасса ойналарида ярқиради. Унинг нурлари ҳавони тезда иситди ва кичик насослар автомат тарзда ишга тушди. Уйга иссиқ ҳаво ёйилди, аккумулятор печлар исий бошлади, ички хоналарнинг ҳарорати кўтарила бошлади.

Бундай печларнинг конструкцияси содда. Девор орасига тош тўлғазилган металл цилиндрлар монтаж қилинган. Офтоб иситган ҳаво тошлар бетидан ўтиб уларни анча вақтгача иситиб қўяди. Ўйда уч кеча-кундуз мобайнида 18—20 градус иссиқлик сақланмоғи учун битта офтобли қуш кифоя.

Ёш олимлар Р. Авезов билан С. Ҳотамов ўтказаётган эксперимент гелиофизиклар билан ҳамкорликда архитекторлар вужудга келтираётган икки лойиҳани аниқлашга имкон беради. Бу лойиҳалар офтоб билан ҳавоси ва суви иситиладиган, ҳаво кондицияга келтириладиган икки қаватли ва тўрт қаватли уйлар қурилишини кўзда тутади. Бу уйлар Узбекистоннинг турли иқлимий зоналарида қад кўтаради. Тошкент ва Чирчиқда қуриладиган шундай тўрт қаватли бинолар учун икки қурилиш майдони танланди.

Е. ЕФИМОВ.

Эркатойларга ғамхўрлик

Қўли гул қурувчилар шаҳримиз эркатойларига яна бир совға инъом этдилар. 159-қурилиш трестининг 22-қурилиш бошқармаси бинокорлари Бешқайрағоч массивида 19-болалар боғчасига 280 ўринли янги типовой бино қуриб бердилар. Боғчада эркатойлар учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Шу билан массивда болалар боғчаси сони ўнтага етди.

О. МАДРАҲИМОВ.

СПОРТ

1:0 ҳисобида

Болгариянинг Хасково округи футболчилари республикамизда бир ҳафта меҳмон бўлиб туришди. Улар шу вақт мобайнида Чирчиқнинг «Химик» ва Самарқанднинг «Строитель» футбол командалари билан ўртоқлик учрашувларини ўтказдилар. Бу ҳар иккала ўйин ҳам 1:0 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. Ўтган куни болгариялик футболчилар Москвага жўнаб кетишди.

Ниҳоясига етди

Ёшлик спорт аренасида баскетбол бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган СССР зонал биринчилиги мусобақалари тугади. Олти кун давом этган учрашувларда қизлар ўртасида Ленинград ва Украина баскетболчилари, ўсмирлар ўртасида эса Украина ва РСФСР вакиллари финалга йўлланма олдилар. Узбекистон командалари сўнгги турда Ленинград спортчилари билан куч синашдилар. Қизиқарли ўтган бу учрашувларда қизлар командаси 59:65, ўсмирлар командаси эса 76:102 ҳисобида маглубиятга учрашди.

ФИНАЛЧИЛАР МАЙДОНГА ТУШИШАДИ

Ёш спортчилар ўзларининг терма коллективларига Узбекистон ССР XVIII спартакиадаси ҳисобига дастлабки очколарни туҳфа қилдилар. Бу воқеа қишки каникул кунларида Андижонда ўтказилган боксчилар мусобақасида содир бўлди. Майдонга Тошкент, Қорақалпоғистон АССР вакиллари, шунингдек, Хоразм областидан ташқари ҳамма областларнинг намояндалари тушди. Ҳар бир команданинг шарафини 21 боксчи ҳимоя қилди.

Ҳар бир оғирлик категориясида тўрттадан спортчи мусобақанинг якунловчи босқичида иштирок қилиш ҳуқуқига эга бўлди, ана шу якунловчи босқичда чемпионлар аниқланади. Узбекистон пойтахти, Тошкент, Андижон, Бухоро областларининг командалари соврин учун энг кўп даъвогарларга эга.

Финал мусобақаларн баҳорги каникул пайтида, март ойида Нукусда ўтади деб кўзда тутилган эди. Аммо болалар тез камол топишмоқда, уч ой мобайнида улардан кўпчилиги бошқа вазн категориясига ўтиб қолиши мумкин. Шунинг учун мусобақа ташкилотчилари жадалроқ иш тутишга мажбур бўлдилар: Финалчилар майдонга январь — февраль ойида тушадилар.

(УзТАГ).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14]I да **Уйланиш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15]I да **Туркман қизи.**

КИНО

14 ЯНВАРДА

Амрапали — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (18.30, 21.30), «ҚОЗОҒИСТОН» (20.00), «ДРУЖБА» (20.00).

Ивановлар оиласи — «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кечқурун), «МОСКВА» (18.00, 19.30, 21.00), «НУКУС» (19.00, 21.00).

Жозибали бахт юлдузи — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун), «ҚОЗОҒИСТОН» (18.00, 21.00).

Виннету Инчу-Чун ўғли — «ДРУЖБА» (18.00, 20.30).

Буни биз ўтмаганмиз — «БИЛИМЛАР УЙИ» (жуфт соатларда).

15 ЯНВАРДА

Амрапали — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» «ДРУЖБА» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Ивановлар оиласи — «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 19.30, 21.00), «НУКУС» (17.00, 19.00, 21.00).

Жозибали бахт юлдузи — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОҒИСТОН» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00).

Виннету Инчу-Чун ўғли — «ДРУЖБА» (12.00, 15.00, 18.00, 20.30).

Буни биз ўтмаганмиз — «БИЛИМЛАР УЙИ» (жуфт соатларда).

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ҚОШИДА

ТЎЙ БЮРОСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ АҲОЛИСИГА ТЎЙ ВА ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРДА МАДАНИЙ ХИЗМАТ ҚИЛИШ УЧУН САНЪАТКОР ГРУППАЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИ

БИЛДИРАДИ

БУ ГРУППА САНЪАТКОРЛАРИ БЮРО ОРҚАЛИ УНИНГ МАХСУС ГУВОҲНОМАСИ БИЛАН ЮБОРИЛАДИ.

Аҳолидан ариза ва заявкалар 20 кун олдин қабул қилинади. МАҲАЛЛА КОМИТЕТЛАРИ, ҚИШЛОҚ СОВЕТЛАРИ, ТЎЙ КОМИССИЯСИ БОШЛИҚЛАРИГА БЮРО ГУВОҲНОМАСИ БЎЛМАГАН САНЪАТКОРЛАРНИ МАДАНИЙ ХИЗМАТ ҚИЛИШДАН ЧЕТЛАТИШ ҲУҚУҚИ БЕРИЛАДИ.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 10-уй.

Ўзбек Давлат «Ёш гвардия» драма театри

16 ЯНВАРЬ КЕЧ СОАТ 6 ДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Б. Брехт асари. Т. ТУРСУНОВ таржимаси

«БУ ОДАМ НИМА—Ю, У ОДАМ НИМА...»

Режиссёр — Эргаш МАСАФАЕВ.
Рассом — Маҳмуд ЭШОНХЎЖАЕВ.
Билетлар сотилмоқда.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

ТЕЛЕВИЗОР

14 ЯНВАРЬ — ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. Узбек тилида 17.55 Болалар учун концерт. 18.25 «Миллиондан ленинча университети». «Ҳозирги даврдаги миллий-озодлик ҳаракатининг империализмга қарши қўрашдаги роли ва ўрни». **Рус тилида:** 18.40 «КПСС XXV съездига меҳнат рапортлари». Экранда — Урта Осиё темир йўли бошқармаси. 19.10 «Ахборот» информацион программаси. 19.25 «Нафосат оламида» (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 19.55 «Тўқиқизинчи студия». Кўрсатувни В. Зорин олиб боради. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 20.55 «Ахборот» информацион программаси. 21.15 «Партия планлари — халқ планлари». Тошкент область Юқори Чирчиқ районининг меҳнаткашларининг янги марралари. 21.30 Ёш ижрочилар концерти. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Спорт программаси. 1. Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Қисқа программа. Швейцариядан олиб кўрсатилади. 2. «Спортлото» тиражи. 24.00 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.50 «Фан оламида». 18.20 Ишларнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. М. Ермакова билан учрашуви. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Расмларда қўёш акси бор». 19.30 «Ажойиб дивертисмент». Телевизион музикали фильм. **Тошкент кўрсатади.** 19.55 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика (рус.). **Москва кўрсатади.** 20.55 «Колхида балладаси». Телевизион бадиий фильм-премераси. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани. 22.30 «Қирол Лир». Бадиий фильм. 1-серия. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Орқага қайтиш йўқ». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 20.05 Тошкент янгиликлари. **Узбек тилида:** 20.20 Ўқитувчи экрани. 20.50 «Қизиқарли математика».

15 ЯНВАРЬ — ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Горичилар, қаердасиз?». 11.15 «Колхида балладаси». Телевизион бадиий фильм. 12.20 СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 13.00 «Буюк қурилишлар кундалиги». Кинопрограмма. 16.00 «Социалистик мамлакатлар ҳамдўстлиги». «Югославия Социалистик Федератив Республикаси». 16.30 К. Тренёв. «Любовь Яровая». 17.00 «Рус сайёҳлари ва тадқиқотчилари». 17.30 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. **Тошкент кўрсатади.** 18.00 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 18.05 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг СССР халқ артисти Давлат мукофотининг лауреати О. Хўжаев билан учрашуви (ўзб.). 18.45 Мультфильм. **Рус тилида:** 19.00 «Иқбол» программаси. «Гўё қўшиндай ҳаёт». 19.30 «Ахборот» информацион программаси. 19.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим-фахрим» (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 20.15 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнат тарбияси — ёшларни коммунистик тарбиялашнинг таркибий қисми». **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 20.45 «Ахборот» информацион программаси. 21.05 Узбекистон Компартиясининг XIX съезди шарафига. «Янги марралар». Хоразм область, Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Наримонов номли колхоз ҳақида телевизион очерк. 21.30 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Эркин программа. Швейцариядан олиб кўрсатилади. 24.00 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун чизма геометрия (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 18.00 «Дўстлик қўшиғи». Болалар хор коллективларининг концерти. 19.00 Янгиликлар. 19.15 К. Чуковский. «Бибигон». 19.30 «Партия планлари — халқ планлари». 19.45 «Музикали календарь». С. Я. Лемешев. **Тошкент кўрсатади.** 20.15 «Плмий-техника тараққиёти учун». Ҳужжатли фильмлар программаси. 1. «Ўрмон хўжалиги машиналарига техника хизмати кўрсатиш». 2. «Галла ва электр магнит майдони». (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 20.45 Ж. Лондон туғилган кунинг 100 йиллигига. «Вақт» қутмайди» Телевизион бадиий фильм премераси. 1-серия. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани. 22.30 «Қирол Лир». Бадиий фильм. 2-серия. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Орқага қайтиш йўқ». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 20.05 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Афсонавор ҳаёт». Фильм-концерт. 20.50 «Тошкент» телепрограммаси. «Партия планлари — халқ планлари» (ўзб.).

● *Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди*

ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мактабнинг унча катта бўлмаган бу қизил бурчаги ўзининг ўн йиллигини нишонлади. Ана шу даврда унинг стендлари туркистонлик собиқ жангчиларнинг жасоратлари ҳақида ҳикоя қилувчи янги материаллар билан тўлдирилди. Бу қизил бурчак ўқувчиларни илк жанговар ва революцион анъаналар руҳида тарбияловчи муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Қизил бурчакнинг ташкилотчилари ҳозир институтларни тамомлашган. Аммо улар бошлаган ишни ёшлар давом эттиришмоқда. Унинг раҳбари, педагог Ҳаким Мавлонов эса ҳамон ёш истопарлар ишига бош-қош.

Вақт ўтиш билан сарғайиб кетган солдат хатлари ёки газеталарнинг қирқмаларини олиб кўздан кечиргинигда, яна ўша мудҳиш кунлар кўз олдингда гавдаланади. Чиндан ҳам Буюк Ғалабамиз учун бўлган ҳаёт-мамот жанглари ҳақидаги бу қимматли материалларни эҳтиёт қилиб саклаш муҳим иш. Эшикни оҳиста тақиллатиб, ичкарига кириб муштипар онага бедарак кетган ўғлининг жасорати ҳақида сўзлаш қандай қувончли. Бундай ҳайрли ишлар тўғрисида бу қизил бурчак, қолаверса, жонкуяр ўқитувчи Ҳ. Мавлоновдан кўп нарсаларни билиб олиш мумкин.

1967 йил февралида пойтахтимиздаги Крупская номидаги пионерлар саройи ҳамда Октябрь районидаги 40-мактаб истопарлари Самарқанда боришди. Бу ердаги посёлкаларидан бирида Совет Иттифоқи Қаҳрамони, гвардия майори Аҳмаджон Қурбоновнинг онаси яшарди. Тошкентлик болалар ўнга ўғлининг қасрда, қандай ҳалок бўлганлиги ҳақида билдиришиб, онага пенсия тайинлашга кўмаклашдилар.

Стендлардан бирида пилотка кийиб олган аскарнинг сиймоси кўзга ташланиб турибди. Бу Совет Иттифоқи Қаҳрамони Тоштемир Рустамов, унинг ёнига эса қаҳрамоннинг рафиқаси сурати қўйилган. Ўқувчилар Смоленскдаги мактаб пионерлар дружиналарининг бири ҳамшаҳаримиз номига қўйилганлиги, у Алексино қишлоғида дафн этилганини, ўлими олдидан қандай қаҳрамонлик кўрсатганлигини аниқладилар.

1941 йил декабрида Ватанимиз пойтахти Москвани ҳимоя қилишда иштирок этишган ўзбекистонлик жангчилар ҳақида ҳам бу бурчакда анчагина ҳужжатлар тўпланган.

Яқинда Москва атрофида олиб борилган археологик-қидириш ишлари вақтида уч совет жангчисининг қолдиқлари топилди. Архивларда сақланган хатлар ёрдамида бедарак кетган бу номаълум солдатларнинг исм-фамилиялари аниқланди. Улар эҳтимол чиғатойлик А. Зуфаров ёки Комсомол кўчасида истиқомат қилган М. Аблиевдир. Балки Москва мудофаасининг актив қатнашчилари, ҳамшаҳарларимиз А. Оритов, Ҳ. Увалиевдир?

А. ШМАРИГО,
Улуғ Ватан урушн ветерани.

● *Қардошларимиз дастурхонидан*

ҒАЛМАНА

Ғалмана ҳамири худди чучварага қорилгандек тайёрланади, қалинлигини 1—2 миллиметр қилиб ёйилади. Ёйманинг юзига сариёғ дурдаси суртилади, ёқ и сариёғнинг ўзи, масқаёг, қаймоқ сурсангиз ҳам бўлади. Сўнгра майда тўғралган кўк пиёз сепиб ёнига кўрсатилгандек тўрт букласангиз «конверт» ҳосил бўлади. Буни ёғланган қозонда қатламага ўхшатиб пиширасиз.

Дастурхонга тортишда юзига шакар ёки қанд упаси сепилади.

Масаллиқ: 0,5 кило оқ ун, 1 стакан сув, 1 чой қошиғида туз, 1 стакан сариёғ ёки 2 стакан қуюқ қаймоқ, 1 боғ кўк пиёз, 1 қошиқ шакар (қанд кукуни) керак бўлади.

ҲЕЙГЕНСК

(ТУРКМАН ТАОМИ)

Тоғорачага тухум чақиб бироз сут, ун ва туз қўшиб яхшилаб ийлайсиз. Товада сариёғ доғланг, бунга ийланган тухумни солиб духовкага қўйиб пиширасиз.

МАСАЛЛИҚ: 1 кишига мўлжалланганда: 3 дона тухум, 1 чой қошиғида ун, 2 ош қошиғида оқ ун, қовуриш учун 1 ош қошиғида сариёғ, туз эса таъбга кўра олинади.

К. МАҲМУДОВ.

Таллиндаги «Эстопласт» заводи мамлакатда чироқлар ишлаб чиқарадиган йирик корхонадир. Завод ишлаб чиқараётган маҳсулотлар катта талабга эга.

СУРАТДА: синовчи-лаборант С. Арвед янги чироқлар намунаси олдида.

В. Рудько фотоси. ТАСС фотохроникаси.

МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

Аёллар, сизлар ўчун

Кир ювилгандан кейин ҳам унда баъзи доғлар кетмай қолиши мумкин. Бундай кирларни оқартириш учун турли эритмалар ишлатилади.

Кирни водород пероксид ёки персолда оқартириш тавсия этилади. Бу эритма билан кир оқартирилганда газламадаги доғлар парчаланади. Водород пероксид уч процентли ҳолида сотилади. Бир челак сувга ундан бир-икки қошиқ солинади, сув 60— 80 даража ситилади, оқартириладиган кир шу сувга 15 — 20 минут солиб қўйилади. (Кир сувга ботиб турсин). Кир тўхтовсиз агдариб турилса, ҳамма жойи бир текис оқаради.

Сарғайиб қолган кирни оқартириш учун «Чайка» деб аталадиган оқ порошок ҳам яхши. Бу порошок газламага сира зарар этмайди. Ўн кило кирга бир грамм оқ порошок етади.

Эсингизда бўлсин

☆ Яхлаган гўштни яхдан туширишдан олдин нострюлкага солиб, унинг нормал ҳарорат (18— 20 даража)да эритинг, аммо гўштни илиқ жойда ёки иссиқ сув қўйиб эритсангиз мазаси йўқолади.

☆ Қиш кунлари пойафзални кунора мойлаб турсангиз, чарми юмшоқ бўлади ва сув ўтмайди.

☆ Айнийдиган буюмлар туз солинган сувда ювилса ранги кетмайди.

☆ Чой ўзига ўткир ҳидларни тез тортади. Шу сабабли чойни атир, упа, сирка, туз, шўр балиқ, совун ваби нарсаларга яқин жойга қўйманг.

☆ Бронза қандил ва лампаларни ювгач, новшадил спирти томизилган тиш порошоги билан ғозаласангиз, яхши ярқиллайди.

☆ Асал жуда қуйилиб қолса, бир оз иситинг, лекин қуйдириб юборманг.

☆ Қўл ёрилганда лимон суви сурсангиз силлиқлашади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ.
14 ЯНВАРЬ, 1976 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, 26-УЙ.

Р—02134. Узбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26. ИНДЕКС 64579. Нашр В—2980.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача. Эълонлар бўлими — 33-81-42.